



*Маънавият тарғиботчисига ёрдам*

**РАҲИМБОЙ ЖУМАНИЁЗОВ**

**МУОМАЛА  
МАДАНИЯТИ**



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ

**РАҲИМБОЙ ЖУМАНИЁЗОВ**

**МУОМАЛА  
МАДАНИЯТИ**



ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2015

УЎК: 177.1  
КБК: 87.774  
Ж 87

**Жуманиёзов, Раҳимбой**

Ж 87      Муомала маданияти / Р. Жуманиёзов; масъул муҳаррир  
Қ. Қуранбоев; Республика маънавият тарғибот маркази.  
– Тошкент: «Маънавият», 2015. – 32 б.

ISBN 978-9943-04-261-2

Қўлингиздаги ушбу рисолада муаллиф муомала маданияти ва унинг тамойилларини ўзлаштиришда оғзаки нутқнинг ўрни ҳақида фикр юритади. Зеро, муомала ва нутқни бир-бирисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Рисола олим-мутахассислар, талаба-ўқувчилар, маънавият тарғиботчилари ҳамда кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 177.1  
КБК: 87.774

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р:  
*сиёсий фанлар доктори Қ. Қуранбоев*

Т а қ р и з ч и л а р:  
*психология фанлари номзоди С. Туйчиева*  
*педагогика фанлари номзоди Н. Юлдашева*

---

---

## МУҚАДДИМА

Учта тушунча замон ва макон танламайди. Булар сўзлаш, тинглаш ва англаш. Одамзот яралибдики, ўзаро муносабат жараёнида ана шу уч бирликка амал қилиб келинади. Бунинг намоён бўлиши ҳар бир халқнинг ўз менталитетига мос ва хос. Ўзаро муносабат, мурожаат қилиш жараёнидаги ўзни тутиш ва фикр алмашувлар муомала маданияти тушунчасида уйғунлашади. Муносабат, мурожаат, мулоқот, мунозара, мувоҳаса, муҳокама, мулоҳаза сингари тушунчаларнинг барчаси муайян миллатнинг тийнатига мос бўлган зийнатлар бўлиб, у этик ва эстетик меъёрлар, қоидалар билан амалга оширилади.

Дунё гўзаллик қонуниятларига биноан қуриларкан, инсоннинг хулқи ва нутқи ҳам, кўриниши ва кийиши ҳам, муносабати ва мулоқоти ҳам гўзал бўлиши мақсадга мувофиқ. Халқимизнинг «Ўзингга қараб кутарлар, сўзингга қараб кузатарлар» – деган ўгити бежиз эмас. «Тил яраси битмас, тиғ яраси битар» – деганида ҳам инсон учун зарур бўлган муомала жараёнига эътибор заруриятини сезиш қийин эмас.

Шахс маънавиятининг узвий бир бўлаги муомала маданияти бўлса, хулқ-атвор, одоб-ахлоқ, нутқий фаолият тушунчалари унинг замирига киради. Асрлар оша ҳар бир халққа хос бўлган, миллий-маънавий кадриятлар юксак маданият рамзига айланган урф-одатлар, юриш-туриш, яшаш тарзи барчаси киши шахсиятида акс этиши табиий.

Президентимиз таъбири билан айтганда, «*Юксак билимли, интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти*» экан, илм-фанга, она ватанга муносабат ўз-ўзидан маънавийли, баркамол инсон тарбиясида муҳим ва муқим ўрин тутиши муқаррардир. Муносабат, шубҳасизки, шахснинг муомала маданиятидан келиб чиқади. Бу эса баркамоллик белгиси бўлган таълим ва тарбияга, маънавийят ва маърифатга бориб боғланади. Аклан, руҳан ва жисмонан соғлом авлодгина юртнинг порлоқ келажакдир. Қушнинг парвозини қўш қанотсиз тасаввур қилиш мумкин бўлмаганидек, инсоннинг икболи ва юрт истикболини ҳам таълим-тарбия ва маънавийят-маърифатсиз тушуниш, идрок этиш мушкул.

Поэтика, риторика назариясини илк тадқиқотчиларидан ҳисобланган Аристотель санъат ва маданият оламининг пайдо бўлишидаги илк асос сифатида муомалани назарда тутгани ҳам бежиз эмас. Қолаверса, француз адиби Антуан де Сент-Экзюперининг «*Будунёдаги бирдан-бир ҳақиқий неъмат одамларнинг бир-бири билан мулоқотидир*», – деган фикрида теран маъно бор.

Таълим талаби нутқ билан, тарбия талаби хулқ билан боғлиқ экан, шахс маънавийяти, муомала маданияти, муомала сирлари ва одоб масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этаверади. Муомала «тарозиси»нинг икки палласи бўлиб, бири хулқ, иккинчиси эса нутқдир.

---

## ҚАЛБГА ЙЎЛ

Мулк соҳиби бўлишдан кўра, кўнгил соҳиби бўлиш шарофати ҳақида мумтоз адабий меросимизда ибрато-муз фикрлар бисёр. Инсон дилини англаш, унга меҳр бериш, самимий тилаклар изҳор этиш илинжи Шарқ адабиётида шарафланган, таърифланган. Сабаби, дунёда бир илм борки, бу адабиётнинг бош мавзуси бўлиб келган. Бу инсоншуносликдир. Ушбу илмнинг ибтидо-си эса инсон дилига йўл излашдан иборат. Илму фан ҳам, маънавий маданият ва санъат ҳам шу ҳақда бош қотириб келган. Бу эса комил инсон концепциясидир.

Инсон қалбига йўл топилмаса, барча сохаларнинг ривожи, жамият тараққиёти ҳақидаги сўз пучга айланади. Инсоннинг онгу шуури, қалбигина улуғ ва қутлуғ ишларга кодир. Бу қалбда дунёқараш ва тафаккур қудрати бор. Тафаккур ва онгнинг юксаклигига эришмасдан туриб олдимизга қўйилган мақсадларимизнинг рўёбини тасаввур этиш мушкул. Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов: *«Маънавият ҳақида ҳар қанча даъватлар, муҳим назарий фикрлар билдирилмасин, агар уларни жамият онгига сингдириш учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда ташкил этмасак, табиийки биз кўзланган мақсадга эриша олмаймиз яъни, инсон қалбига йўл топа олмаймиз»*, – деб таъкидлайди.

Бу фикрлар ўғит, ҳикматгина эмас, балки чақирик, даъват ўрнида жаранглайдиган, барча маънавият тарғи-

ботчилари зиммасидаги масъулият ва мажбуриятдир. Қалбнинг қалбга бўлган муносабатисиз, мурожаатисиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида шуларни ўқиймиз: «Инсон қалбига йўл, аввало, таълим тарбиядан бошланади, бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафасидир».

Дарҳақиқат, таълим ва тарбия ўзаро уйғун тушунчалар. Улар аслида, ажралмас. Бамисоли инсоннинг вена ва артериал қон айланиш тизимига ўхшайди. Таъбир жоиз бўлса, уларни бир танганинг орқа ва олди ёки эт ва тирноққа қиёс қилиш мумкин. Шундай экан, ана шу узвий бирлик баркамолликнинг белгиси ҳамдир.

Инсон хушфёъл, камсукум, хокисор, олийҳиммат, мулойим, беозор бўлса, кўпчиликнинг эътирофу эътиборига тушади. Чунки, эътироф эътиборга, эътибор эҳтиромга, эҳтиром эса эъзозга эшик, эзгуликка бешикдир. Одамзотнинг кимлигини, маънавиятини атрофдагиларига бўлган муносабатидан англаб олиш қийин эмас. Чунки, муомала инсон хулқ-атворининг зийнатидир. Киши хулқи билан назарга ҳам, ҳазарга ҳам дучор бўлиши ҳеч гап эмас.

Ўзаро тушуниш ва бир-бирини англаш туйғуси муомала маданиятининг асоси ҳисобланади. Баъзан бир замонда, бир маконда яшаймиз, бир жамоада ишлаймиз-у, лекин бир-биримизни тушунмасдан дилхираликларга йўл қўямиз. Ҳар кимнинг характери, савияси, диди ҳар хил бўлгани учун, ўзига яраша муомалани талаб қилади. Шу тобда шоирнинг ушбу битиги ёдга келади.

*Қолмади одамзот кирмаган гўша,  
Еру кўкда, сувда ҳозир ҳамиша.  
Оҳ, гоҳида ёнма ён турару инсон,  
Бир-бирин қалбига киролмай сарсон.*

Сув ва само билан сирлаша олган инсон энг яқинларининг қалбига йўл топа олмай изтироб чекиши тааж-жубли ҳол.

Қалбга йўл маърифатдан бошланади. Маънавиятли инсон кимга, нима ҳақда, қачон, қаерда, қандай айтишни билади ва амал қилади, шу аснода обрў қозонади, эътиборга тушади. Бир сўз ва бир хатти-ҳаракат эътирофга ёхуд эътирозга, назарга ёхуд ҳазарга, яхшиликка ёхуд ваҳшийликка сабаб бўлиши ҳеч гаи эмас. Шундагина воизнинг ўзи ҳам, сўзи ҳам жоиз бўлади, суҳбатдоши қалбида из қолдиради. Маърифатли инсон маданиятли айни дамда маънавиятлидир. Сўзлаш маърифатдан, тинглаш маданиятдан, англаш маънавиятдандир. Жоҳил киши сўзнинг қийматини ва ўзининг қадрини билмагани учун хушмуомалада бўлолмайди. Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш учун билим, тафаккур, юксак даражадаги хулқий ва нутқий маданият зарур.

Вазиятга тўғри баҳо бериш, мақсаддан келиб чиққан ҳолда ёндошиш, холислик, оқилона, одилона муносабат ва самимий мулоқотгина муомала маданиятининг таркибий қисми бўла олади. Ҳамма нарсага чидаш мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмаслик бизнинг халқимиз табиатига хослигини таъкидланиши бежиз эмас. Бировни баҳолаш аслида, ўзингни баҳолашдир. Ўринсиз танбех, дашном ёки таъна киши дилини оғритади ва унинг кайфиятини бузади, руҳиятига таъсир қилади. Самимий муомалага дарз кетдими, синган пиёлани чегалашдек қийин иш. Ҳар бир нарса-ҳодисанинг ёки шахснинг ютуқ ва нуқсонларини, манфий ва мусбат томонларини тўғри эътироф этиш ва тушунтиришгина келишмовчилик ва жанжалларни бартараф этади. Бу эса муомала маданиятининг ўзига хос сир-саноатларини билиш кераклигини англатади. Кимга ва нимага қандай кўз билан



қараш, муносабат билдириш муҳим. Ҳар кимнинг ўз қалб қаричи, баҳолаш мезони бор. Гап қандай кўз билан қарашда. Ҳаётда кимдир меҳр кўзи билан, яна кимдир қаҳр кўзи билан, биров тасдиқ кўзи билан бошқа биров инкор кўзи билан қарашга одатланган. Ҳар бир нарсадан фазилат излашдан кўра, иллат излашга одатланган кимсага муомала маданияти ҳақида сўз очиш куруқ сафсатадир.

*Инкор кўзи-ла қараган кишига  
Юсуфнинг юзи ҳам хунук кўринар.  
Агар муҳаббат-ла қараса девга  
Дев ҳам фариштадек сулув кўринар.*

*(Саъдий Шерозий)*

Демак, қандай кўз билан қараш инсоннинг феъл-атвори, диди, савияси, нияти ва дунёқарошига, бошқача айтганда, таълим-тарбиясига боғлиқ экан.

Яшаш қараш ва қурашлар бирлигидан иборат экан, инсониятнинг тафаккур тарзи, муносабат тарҳи ҳам ўзига хос бўлиши табиий.

Тирикчилик ташвиши ҳаммамизга хос. Ейдиган таомимиз, киядиган кийимимиз, яшайдиган жойимиз қайгуси ҳеч бир тирик жонни четлаб ўтмаслиги аниқ. Буларни таъмин этадиган уч бирлик бор. Бу вақт, замон тушунчаси билан изоҳланадиган кеча, бугун ва эртадир. Биз вақт измидамыз. Кўпинча унга масъул-лигимизни ёддан чиқариб қўямиз. Умрнинг қимматли лаҳзаларини беҳуда ўй-ташвишларга, икир-чикирларга сарфлаймиз.

Ана шу вақт бирлиги ҳар кимнинг ҳаётида ҳар хил из қолдиради. Ўтмиш, ҳозирги вақт ва келажак, бири-бири билан боғлиқ. Бири иккинчисига, иккинчиси учинчисига замин ҳозирлайди. Биров «кеча» билан, яна биров бугунги куни билан ғурурланса, бошқа бири эса эртанги кунга умид билан яшайди.

Одамзотдаги ҳар қандай касаллик, иллат, аслида, унинг руҳиятидаги сиқилиш, безовталиқдан бошланади. Демак, касаллик руҳиятдан танага кўчади. Биз танани даволашга кўпроқ эътибор қиламиз. Шу боис бормаган жойимиз, учрашмаган докторимиз, ичмаган доримиз, кўрсатмаган табибимиз қолмайди. Танани ҳар хил кимёвий моддалар билан тўлдираемиз. Тўғри, дори-дармон сабаб маълум муддат тузалиб, касалликнинг олдини олишимиз ҳам мумкин. Лекин руҳият даволанмас экан, тана тўла ҳолда шифо топмайди. Одамзотнинг тириклиги тан, жон ва руҳ бирлигидан иборатдир. Улар соғлом бўлмаса, баркамоллик йўқ. Баркамоллик белгиси ақлий ва жисмоний кучга таянади. Шунинг учун ҳам бир пайтлар дуохонлар, азайимхонларга эҳтиёж сезилган бўлса керак. Сўз ва нутқ орқали инсон руҳиятига таъсир этиш ва уни даволаш синашга ҳол. Инсон бада-нида иллатга мойил кучлар бўлгани ҳолда, унга қарши иммунитетлар, инстинктлар ҳам борлигини инкор этиб бўлмайди. Сўз бузади, сўз тузади. Олқиш ҳам сўз билан, қарғиш ҳам сўз билан. Омонлик-у ёмонлик ҳам, ободлик-у барбодлик ҳам у билан. Сўз ўлдиради, сўз кулдиради. Бунёдкор ғоялар ҳам, бузғунчи ғоялар ҳам у билан. Сўз хусусидаги бу таърифлар бежиз айтилмаган.

Инсондаги ижобий фазилатлар уни комиллик сари юксалтирса, салбий иллатлар тубанлик қаърига тортади. Бу эса муомала жараёнида яққол кўзга ташланади. Муомала инсон хулқининг ойнаси экани ойдин бўлади.

Маърифатпарвар адиб Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида одамзот табиатидаги мақбул ва номақбул хислатларни қайд эта туриб, инсонларни яхшилиқка чақирувчи, ёмонликлардан қайтарувчи илм — бу ахлоқ эканини таъкидлайди. Абдулла Авлоний хулқни яхши ва ёмонга ажратади. Буларнинг барчаси у ёки бу даражада инсонлараро муносабат жараёнида қўлланилишидан кўз юмиб бўлмайди. Яхши

тарбия топганларда яхши хулқлар, ёмон тарбия кўрганларда эса ёмон хулқлар ҳукмронлик қилади. Бу эса муомала жараёнида ойдинлашади. Аслида, барча муаммоларнинг ечими муомалада эканини унутамиз ва муносабатларимизни чигаллаштирамиз.

«Нурнома»да келтирилишича, сарвари коинот «Мен етти дарё яратдим, – деб санай бошлайди, – уларнинг орасида бири илм дарёси, иккинчиси ҳилм дарёси». Муомаланинг барчага дахлдор бўлгани ҳилм ҳақида сўз очиш моҳиятлидир. Бу ҳақда Абдулла Авлоний шундай ёзади: «Ҳилм деб бўлар-бўлмас ишга аччигланмайдурган, арслон юракли, юмшоқ табиатли бўлмокни айтилуру. Ҳилм инсонларнинг таъбидан хусумат, адоват, ғазаб, ҳиддат каби ёмон хулқларни йўқ қиладурган ҳар кимча макбул бир сифатдур. Ҳилм илми ахлоқ юзасидан инсонга энг керакли нарсадур. (Ўша китоб. 25-б.)

Ҳалимтабиатлилик мулојимликдир. Жаҳл қилиш, ғазабланиш уларга ёт бўлишидан ташқари, фикрини босиқлик, вазминлик билан етказувчи кишилардир. Жаҳлнинг жиловы шайтоннинг қўлида. Ҳалимтабиат инсон ўзгани эмас, ўзини енга олган киши мард ҳисоблайди. Бу уларнинг шиори. Демак, инсонлараро муомалада чин инсон бўлмак учун ҳаваснинг қўлига нафснинг жиловини бермайдирган, бўлар-бўлмас нарсалардан аччигланмайдурган, совуққонли, юмшоқ табиатли, мулојим сўзли, ҳалим ва сабрли бўлмак лозимлиги уқтирилади. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифлардан бирида «*Ҳилм хулқларнинг саййидидур*» дейилади.

Маърифатли, маънавияти юксак бўлган инсонлар муомала маданиятида кўпчиликка ибрат бўла олади. Хушмуомалалик, хушфезллик, беозорлик, мулојимлик, ҳаё-иболилик уларнинг ҳуснига ҳусн, обрўсига обрў қўшган. Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида «*Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ*» – дея

бежиз таъкидламаган. Беандишалик, бефаҳмлик, бефаросатлик эса кишини ақлдан, хаёдан жудо қилади. Шарқ одобномасида қаерга бориш, қандай сўрашиш, қаерда ўтириш, қандай сўзлаш, кимларнинг суҳбатида бўлиш муомала маданиятининг мезонлари сифатида кўп бор тилга олинган. Саъдий Шерозий «*Ширин сўз-ли шилгай душман нўстини, дагал сўзли душман қилгай дўстини*», – деб ўринли таъкидлаган.

Шарқона лутф, шарқона тавозеъдан беҳабарлик инсонни не куйларга солмайди, дейсиз.

Муомала жараёнида сўзлашишдан олдин суҳбатдошининг юз-кўзидаги ифода ёхуд табассуми сиз учун муҳим. У ковоғини солиб гапирса, ўша совуқлик сизга кўчиши аниқ, ёки аксинча.

Табассум кўпгина муаммоларнинг калити эканини билсак ҳам баъзан амал қилмаймиз ёки хоҳламаймиз. Айниқса, бизга биров бирон бир хизмат ёки илтимос билан келса, юзимизни буриштириб раҳбарлик «виқори» ёдимизга тушибми, ковоғимизни солиб оламиз. Ўзимиз сезмаган ҳолда суҳбатимиз оҳангида кибру ҳаво ҳукмронлик қила бошлайди. Бу мулоҳазалар сизга эриш туюлмаслигини биламан. Ҳаётингиз мобайнида сиз ҳам худди шундай совуққон биронта корхона ёки ташкилот раҳбарига учрагансиз. Ундаги манманлик ёхуд сизга бўлган беписандликнинг гувоҳи бўлгансиз. Тўғри, кайфияти ёмон пайтда келибман, юқори ташкилотларнинг биридан дакки еган бўлиши мумкин, деб ўзингизни овутган ҳам бўласиз. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам очик юзлилик, бағрикенглик ва меҳридарёлик халқимиз табиатиға хослигини унутмаслик зарур. Баъзан ғарбдаги беҳаёлик ва таназзулга юз тутаётган жамият ҳақида гапирамиз.

Шогирдларимдан бир нечтаси хориждаги нуфузли ўқув юртларида ўз малакасини ошириб қайтишди. Улар суҳбат жараёнида кўча-кўйда ковоғини солиб

юрган кишиларни кам учратганини, ўзларининг ташвиш-у муаммолари бўлсада, бошқаларга унинг таъсири бўлмасин, деб табассумли қиёфада юриши ва иштишуларини айтишди. Сўнгра қайтиб келганларида, автобусдаги айрим кимсаларнинг бақир-чақириғи, телефонда баланд овозда гапиришлари эриш туюлганини айтишди. Оилада, ишхонада баъзан муаммоли вазиятлар туғилиши, асаббузарликларга йўл қўйилишини инкор қилмаймиз. Гарчи, шундай бўлсада, «шайтонга ҳай бериб» шарқона муомала маданиятини унутиш ярамайди. Қаердадир эшитгандим. Бир япон йигит ишхонасида очиқ чехра билан ишга уннаб, «навбатчи» табассум билан юрганмиш. Шунда касбдошларидан бири «тунов куни отанг оламдан ўтганди, шекилли, нимага хомуш эмассан», – деса, «вафот этган менинг отам, ҳамкасбларимникимас, тушкун, хомуш ҳолатда юриб уларнинг қайғуимга ҳасратдош, шерик бўлишларини истамайман» – деб жавоб берган экан.

Маданийлашган мамлакатларда қовоқ солиб юриш, хўмрайиш кўча этикасига зид ва ҳурматсизлик саналади, оддий мулоқотдан олдин албатта, узр сўрайдилар ва суҳбат охирида миннатдорчилик билдиришни унутмайдилар. Ўзаро суҳбат давомида сизни майин табассум билан сийлаб турадилар. Бу «навбатчи» табассумнинг фойдаси катта, очиқ юзли одам ҳаммада ҳамиша яхши таассурот қолдиради. Тўғри, ўзининг тушкун қиёфасини, маҳзун ҳолатини бошқаларга ҳам раво кўриш, гўёки ўзининг касалини бошқаларга юқтиришга ўхшайди. Совуқкон, тунд қиёфада муомалада бўлувчи кимсалар борасида Мирзо Абдулқодир Бедил шундай ёзганди: *«Яхшилик излама совуқ кишидан, музлаган чечакнинг ҳиди жуда кам»*.

Буларнинг барчаси инсон қалбига йўл топиш тилсимларига бориб боғланади. Муомала сирлари ҳақида жуда кўплаб алломалар тадқиқот ишлари олиб бориш-

ган. Ўзбек китобхонларига таниш бўлган руҳиятшунос олим Дейл Карнеги одамлар билан муомала қилиш, уларнинг қалбини ром этиш сир-синоатлари ҳақида кўп ёзган. Лекин, унинг фикр-мулоҳазаларининг аксарияти шарқона менталитетга унчалик мос келмаслиги аниқ. Умуман олганда, миллатидан, ирқидан катъи назар инсон руҳияти, талаб ва эҳтиёжларида муштарак жиҳатлар бўлгани учун айрим масалаларда яқинлик ҳам бор. Одамларга ёқишнинг усуллари, дўст орттириш йўллари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтиради. У ёзади: *«Дўстим, сиз дунёда дўст орттиришига энг уста бўлган жониворни биласизми? Албатта, биласиз. Сиз уни ҳар куни кўчада учратишингиз мумкин. У сизни 10 қадам наридан кўриши биланоқ, думларини ўйнатиб олдингизга югуриб келади. Агар сиз тўхтаб уни сийпаласангиз, у сиздан хурсанд ва сизни жуда яхши кўришини англатиш учун турли хил қилиқлар қилаётганлигини кўрасиз. Сиз бу шодликнинг орқасида яширин бир интилиш йўқ эканлигини – у сизга бирон-бир нарсани сотиш ёки сиз билан турмуш қуриш илинжида эмаслигини яққол ҳис қиласиз. Сиз бирор марта ит кун кечирши учун ишлаши шарт бўлмаган ягона жонивор эканлиги ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Товуқ тухум қилиши керак, сизир сут бериши керак, булбул эса сайраши керак. Ит-чи? Ит кун кечирши учун сизга ўз садоқатини кўрсатиши, сизга вафодор бўлиши керак, холос. Ит ўз умрида руҳиятга оид бирор китоб ўқиган дейсизми? Лекин у қандайдир тузма инстинкт ёрдамида одамзотга суйкалиб, икки ой давомида икки йилда орттирган дўстларидан ҳам кўпроқ дўстлар орттириши мумкинлигини билади».*

Бу борада Дейл Карнегининг фикрларига қўшилиш мумкин. Лекин шуни унутмаслик керакки, инсонлар аро муомала жараёнида қизиқиш, манфаат, эҳтиёж деган тушунчалар муҳим роль ўйнайди. Кўп йиллар

сиз билан дўстлик риштасини мустахкамлаб юрган дўстингиз нимадир сабаб бўлиб бир илтимосини ба-  
жаролмасангиз, тўнини тескари кийиб олиб сизга бўл-  
ган муомаласи, муносабати кескин ўзгаради. Бундай  
«дўст»лар йўқ, деб ўйлайсизми?

Табиийки, бу ҳолатда самимий муомалага, дўстлик-  
ка путур етади. Бир куни Жалолоддин Румийдан сўра-  
шади: *«Кучукларга қаранг, бир-бирларини ялаб-юлқаб,  
ўйноқлаб юришибди. Ана шундай аҳиллик наҳотки, ин-  
сонларда йўқ?»* Румий уларга жавобан шундай дейди:  
*Ўша кучукларнинг олдига бир бўлак суяк ташлаб кў-  
ринг-чи, суяк қолиб, бир-бирини гажиишга тушишади».*

Тўғри, муомала қизиқиш манфаатдан ташкари  
кайфиятга ҳам дахлдор. Сизнинг муомала жараёни-  
да кайфиятингиз, руҳий ҳолатингизнинг суҳбатдошга  
таъсири борлигини унутиб бўлмайди. Хулқ-атворин-  
гиз ундан озиқ олиши ҳеч гап эмас. Унга ҳам сизнинг  
кайфиятингиз юқади. Бунинг эса масаланинг ижобий  
ечимига сезиларли таъсири бўлиши аниқ.

Мулоқот жараёнида муомаланинг қандай йўсинда бў-  
лиши яна нималарга боғлиқ деб ўйлайсиз? Гап *сўздами,  
маънодами, мазмундами ёки фикрдами?* – деган саволга  
машҳур мунаққид В. Г. Белинский *«йўқ, гап оҳангда»* – дея  
жавоб бергани бежиз эмас. Биргина «салом» сўзини бир  
неча хил оҳангда айтиш мумкин. Пичирлаб, баланд овоз-  
да, кесатиш, пичинг оҳангида, истехзо ёки киноя билан  
ва ҳоказо. Шу орқали суҳбатдошингизнинг қандай қабул  
қилишини, қандай ҳолатга тушишини билиб олишингиз  
мумкин. Чунки, оҳангда муносабат, мурожаат тарзи, ан-  
типатия ва симпатия шундоққина сезилиб туради.

Бирон нарса борасида баҳслашиш ҳам муомала жа-  
раёнининг мувозанатини бузиши мумкин. Билган ва  
билмаган нарсаси ҳақида ҳам гап таллашишини хуш  
кўрадиганлар бўлади. Ўзини билармон ва бўлармон  
қилиб кўрсатадиганлар билан баҳслашиш жиддий кон-

фликтларни келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳолатда сукутгина масалани бартараф этиши мумкин.

Муомала майл, қизиқиш, талаб, эҳтиёж, манфаат, мақсадли ҳаракатдан туғилади. Бошқача айтганда, коммуникация воситалари ёрдамида инсонни ўрганиш ва билиш демакдир. Муомала маъно ва мазмун жиҳатидан амаллар омили, таомили демакдир. Шунинг учун ҳам амал, омил, муомала, таомил сўзлари бир ўзакдан ясалган арабча сўзлардир. Қадимда шарқда болаларга бирон нарса харид қилиши учун муайян миқдорда пул бериб, бозорга юбориб унга муомала қилиш йўлларининг ўргатилгани ҳам бежиз эмас. Ширин муомала ва мулозамат кўрс, кўпол ҳаракатдан доим устунлик қилган. Муҳими, мақсадингизни, фикрингизни ифода этиш йўлларини билишингиз муваффақиятларингиз гаровидир. Бу борада *«йўлни билиш эмас, йўлни билиш муҳим»* деган ибора беҳуда айтилмаган.

Шундай экан, болаларда нимани, кимга, қандай ифода эта олиш кўникмаларини шакллантириш ижтимоий масала эканини унутиш ярамайди. Муомала маданиятини фарзанд оиладан, аввало, ота-онаси ва барча яқинларидан ўзи сезмаган ҳолда ўзлаштиради. Тарбия олгангина тарбия бера олади. Ёшларнинг камолоти, маънавияти, тарбиясига эътиборсизлик юртимиз истиқболига, ватанимиз равнақиға бепарқликдир. Болалар дунёнинг барча давлатларида бир хил йиғлайдилар, ўхшаш, лекин улғая бошлагач, ҳар хил қилиқлар қилишади, шубҳасизки, бунга сабаб хулқ, тарбия ва муомаладир. Муомала, таълим, тарбия тушунчалари ўзаро уйгун бўлиб, бу маънавият аталмиш уммонда уйғунлашади. Шундай экан, буларнинг ёшларимиз онгу шуурига қандай етиб бориши ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Президентимизнинг *«Маънавият инсонга она сути, ота ибрати, аجدодлар ўғити билан бирга сингади»*, дейишлари бежиз эмас.



Ёшларимиздаги фаоллик ва юрт келажигига дахлдорлик туйғуси ҳам ўзаро мулоқотдан, муомала маданиятидан, нарса-ходисаларга тўғри баҳо бериш ва холисона қараш ҳиссини шакллантиришдан иборат.

Кишилар ўртасидаги кўча-кўйда ўзаро мулоқотда муомала билан раҳбар ва ходимлар орасидаги мулоқот маданияти масъулият ҳисси ва мажбурият бурчининг юқорилиги билан ажралиб туради. Айтиш мумкинки, нотиклик, муомала маданияти барча касбларнинг, санъатларнинг асосида мавжуд. Ўз фикрини оммага чиройли тарзда, аниқ ва содда тушунтира олиш ва ишонтира билишга бўлган ҳаракат деярли барча соҳа, касб эгаларининг табиатида бор. Бу уларнинг доимий орзуси ҳамдир. Машина механизмларни бошқариш учун шу касбга оид чуқур билим, тажриба, лаёқат, шижоат бўлишининг ўзи кифоя. Одамлар орқали ишни бошқариш, уларга раҳбарлик қилиш бошқа нарса. Шу ҳақда фикр юрита туриб Ш. Раззоқов *«Раҳбарлик учун махсус билимлар, кўникмалардан ташқари, одамлар билан муомала қилиш, қўл остидагилар билан тил топишиш, топқирлик, ҳозиржавоблик, қалтис вазиятлардан чиқа олиш, вазиятни баҳолаш, энг асосийси, ҳар қандай мушкул вазифани қийин вазиятларда ҳам уддалай оладиган аҳил ва жипслашган жамоа тузиш қобилияти мужассам бўлиши лозим»*, – деб ёзади.

Хусн ва хулқ ярим ризқ бўлса, нутқ ва ҳунар бутун ризқдир. Ҳадисона мазмун касб этган бу ҳикмат муомала маданиятининг икки асоси борасидаги мулоҳазамизни тасдиқлайди. Бири хулқий маданият бўлса, иккинчиси нутқий маданиятдир.

---

---

## ДИЛ – ҚУЛФ, ТИЛ – КАЛИТ

Уйингиздаги ёки ишхонангиздаги хоналарнинг эшикларига разм солинг. Қулфлоглик эшикни очиш мушкул. Ҳарчанд киришга уринманг, бефойда. Бировига тушадиган калит иккинчисига тўғри келмайди. Ҳар бирининг ўз очкичи мавжуд, «тиш»лари бошқача. Одамзот қалби ҳам шунга монанд. Ҳар бири ўз диди, савияси, билими, фикрлаш ва яшаш тарзи ва дунёқараши билан ажралиб туради.

Кўнгил қулфига мосу хос очкич бу инсоннинг сўзи, нутку хулқидир. У қандай бўлиши керак? Бунинг учун эса муомала маданиятининг иккинчи муҳим жиҳатига эътиборни қаратиш зарур.

Ҳазрат Навоийнинг «*кўнгил хазинасин қулфи тил, калити сўз*», деганларида, муомала тилсимотига ишора қилганларини илғаб олиш қийин эмас. Қолаверса, тил муомала одобининг аввали эканини Маҳмуд Қошғарий «Ардам (одоб) боши – тил» дея, эътироф этган. Буларнинг барчаси мулоқот жараёнида сўзга, нутққа эҳтиётқорона муносабатда бўлиш заруратини англатади.

Тилнинг бойлиги, гўзаллиги, нафосати ҳам ундаги сўзларнинг сони ва жилосига боғлиқ. Унинг боқийлиги эса ундан фойдаланувчи миллатнинг маънавияти ва истиқболига тегишли. Таъбир жоиз бўлса, дейлик сиз меъморсиз. Ўз захирангизда мавжуд бўлган сўзлардан фойдаланиб, фикр етказасиз ва қабул қиласиз. Бошқача айтганда, тафаккур иморатини бунёд этасиз. Шундай экан, сўз ана шу иморатга қўйилган ғиштдир.

Тил, нутқ одоби, инсон маънавияти ва камолотида етакчи мезон эканини Юсуф Хос Ҳожибнинг «*Сўзнинг ўрни – сир*» деган фикридан ҳам уқиш мумкин.

Сўзнинг хосияти шулар билан чекланмайди. Унинг имконият кирраларини етук нотиклар кашф этадилар. Ҳар бир нарсанинг хусусиятлари унинг тўла таърифини бериши учундир. Маълумки, фикрнинг асосини ташкил қиладиган бирлик бу сўздир. Сўз орқали нутқ ва фикр ойдинлашади. Сўзларнинг характерини яхши билган киши ҳеч қачон қийналмайди. Ҳар қандай сўзнинг хосияти эса уни ўз ўрнида, тўғри ишлата олиш билан белгиланади. Сўз, товуш ҳамда маънонинг диалектик бирлигидан иборатлигини билган нотик уни ифодалашда қуйидаги боскичларни эътиборда тутиши лозим: 1. *Топиш*. 2. *Танлаш*. 3. *Қўллаш (айтиш ёки ёзиш)*. Топиш сўзловчининг сўз бойлигига дахлдор бўлса, танлаш диди, савияси, фаҳм-фаросатига, қўллаш эса унинг маҳоратига тегишлидир. Топиш тил бойликларидан, синонимлардан қандай фойдалана олишингизга мезон бўлса, танлаш психологик, ахлоқий ва эстетик нормаларга амал қилиш заруратини билдиради. Қўллаш эса оғзаки ёки ёзма равишда амалга оширилади.

Сўз захирасига, сўз бойлигига эга бўлган нутқ соҳиблари назарий ва амалий жиҳатдан етук билим, малакага эга бўлишган. Сўзлар маънодошлиги, шаклдошлиги, зидлиги, талаффуздошлиги, дублет ва вариантлилиги, кўп маънолилиги, тўғри ва кўчма маъноларда қўлланилиши билан бир-биридан фаркланиб туради. Буларни пухта ўрганиш фақат фикр етказиш (ёки қабул қилиш) учунгина эмас, балки унинг таъсирчанлиги, экспрессив ва эмоционаллигига ҳам хизмат қилади.

Сўзнинг хосияти қанчалик эътиборли бўлса, шунга мувофиқ нутқнинг моҳияти ҳам муҳимдир. Нутқ қатор хусусиятлар билан бирга нутқий воситаларга ҳам эга. Бу ҳолат унинг, нутқ маданиятининг ҳар

иккала кўринишига, оғзаки ва ёзма нутққа баравар тааллуқлидир.

Жонли нутқнинг икки қаноти бир-биридан куч олади. Бу нутқ маданиятининг иккита кўринишидир. Муомала жараёни буларни пухта билиш, ўзлаштириш ва амалда муваффақиятли қўллашни тақозо этади. Бу оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини эгаллашдир. Кимдир оғзаки нутққа моҳир бўлса, кимдир ёзма нутққа моҳир. Аслида, ҳар иккаласининг ҳам устаси бўлиш керак. Халқ ибораси билан айтганда, «гапга дўппи кийгизадиган» сўз усталарининг нутқи кишини ўзига ром этмасдан кўймайди. Устозлардан бири шундай деган эди: *«Мен минбарга чиқсам, ўзимни милтиқ ўқталган овчи олдида дағ-дағ титраётган куёнга ўхшатаман, ёзиш учун столга яқинлашсам, ўзимни бамисоли арслондек тасаввур қиламан».*

Оғзаки ва ёзма нутқ аслида, бир-бирини тўлдиради, бойитади. Ҳар иккала нутқнинг имконияти ва қамровини билмаган нотик на унисада зўр, на бунисада. Хўш, муомала маданиятининг таркибий қисми бўлган оғзаки ва ёзма нутқнинг фарқли жиҳатлари бири талаффуз, иккинчиси ёзув билан ифодаланадими? Йўқ, албатта.

Оғзаки нутқ ёзма нутққа нисбатан анча фаол, жонли жараён. Оғзаки нутқ қўлланиш усулига кўра икки хил бўлади: оддий сўзлашув нутқи ва адабий сўзлашув нутқи. Оддий сўзлашув нутқи кундалик ҳаётимизда, ўзаро муомала жараёнида ишлатилса, адабий сўзлашув нутқи муайян шахслар доирасида тилнинг меъёрий мезонларини қўллаш орқали рўёбга чиқади.

Оғзаки нутқда шева таъсири сезилиб туради. Биз қайси вилоят, қайси гўшадан бўлмайлик, нутқимизда маълум муддат яшаган маконимизнинг сўзлашувига хос шеванинг таъсири бўлади. Бу нутқ товушларининг талаффузида ёки шевага хос сўз ва ибораларни қўллашда сезилади. Оғзаки нутқ тезкор, автоматик

жараён бўлгани сабабли ўйлаб туриш, сўнг сўзда давом этиш қийин. Сўзлов ва ўйлов бир вақтнинг ўзида амалга ошади. Бошқача айтганда, сўзлаб туриб ўйланади. Оғзаки нутқ шахсий, индивидуал фаолиятдир. Шунинг учун ҳам фикрий баён ва нутқий услуб, овоз ифодалари бир-бирига ўхшайвермайди. Оғзаки нутқ сўзловчининг кайфияти, руҳияти, табиатига ҳамда вазиятга, нутқий аъзоларнинг соғлом ва нормал ишлашига ҳам боғлиқ. Одамнинг беҳол, касалманд вақтидаги нутқи билан соғлом, рухан тетик пайтидаги нутқи орасидаги фарқни сезиш қийин эмас. Киши сўзлаётганда ўз нутқига ёзаётгандегидек етарли даражада эътибор беравермайди. Маълум бир даврада сўзлаётганида нутқида камчиликка йўл қўйганини ўзи сезиб қолса, нутқнинг кейинги ҳолати ҳам кўнгилдагидек бўлмайди. Оғзаки нутқ ўзига хос грамматик тузилишига ва қурилиш тартибига эга бўлади. Унда гап бўлақларининг тушиб қолиши, қисқариши, алмашиниши, такрорлар, кераксиз унсурларнинг бўлиши кузатилади.

Ёзма нутқ, аввало, у манба. Хоҳлаган пайтда уни қайта ўқиш, тузатиш, бошқа сўз ва сўз бирикмалари билан алмаштириш мумкин. Ёзма нутқ намунасидаги мақсадни тўла англаш учун имло ҳамда тиниш белгиларининг хусусиятларини ўқувчи ҳам яхши ўзлаштирган бўлиши лозим. Акс ҳолда, матн завқу шавқдан бебаҳра қолинади.

Нутқни ёзма равишда баён этиш қадимдан қўлланиб келинган. Муншийлар, котиблар ва алломалар бу санъатни юқори даражага кўтарганлар. Ёзма ва оғзаки нутқнинг жилоси тафаккур машқларидир.

Оғзаки ва ёзма нутқнинг ўзаро боғлиқлиги уларнинг шаклланиш жараёнидагина эмас, балки тараққий этишида, сайқал топишида муҳим аҳамиятга эга. Даврага чиқувчи нотик демоқчи бўлган мақсадни тўла бўлмасида, хомаки тарҳини коғозга тушириб режалаштира-

ди. Нимадан нимага ўтиш, қанча тўхталиш, нималарни айтиш ёки айтмаслик ҳақидаги чизгилар нотик сўзлаётган пайтда ҳам унинг кўз олдида худди қоғоздагидек хаёлий суврати намоён бўлиб туради. Акс ҳолда, нутқ меъёри бузилиб, вақт чўзилиб кетиши, аудитория яхши қабул этмаслиги мумкин. Қўпол айтганда, нотик ўзининг фикр тизгинини жиловлай олмасдан талмовсираб қолиши мумкин.

Оғзаки нутқнинг қатор вазифасига кўра кўринишлари мавжудки, улар кези келганда, ёзма нутққа жило беради. Унинг таъсирчанлигини оширади. Кундалик сўзлашув нутқи, лекторлар нутқи, радио ва телевидение нутқи, сахна нутқи буларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқни талаб этади.

Нутқий маҳоратнинг икки омили бор. Бири нутқ хусусиятларини билиш бўлса, иккинчиси нутқ техникасини эгаллашдир. Нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, софлиги, бойлиги, таъсирчанлиги, жўялилиги, мақсадга мувофиқлилиги унинг хусусиятларини ташкил этса, оғзаки нутқдаги овоз, дикция, пауза, урғу, оҳанг, интонация, ёзма нутқдаги тиниш белгилари силсиласи нутқий техникадир.

Бу мулоҳазалар тарғибот ва ташвиқот ишларида маънавият ва маърифат тарғиботчиларига масъулият ва огоҳлик, хушёрлик ва сергаклик юклайди. Шунинг учун ҳам Навоий ҳазратлари: «Ваъз бир муршид ва огоҳ ишидур ва анинг насиҳатин қабул этган мақбул кишидир»,— дейишлари бежиз эмас. Нотиклик, авваламбор, ишонтириш санъати. Унинг учун далилларга бой асосланган таъсирли нутқ зарур. Якка ёки жамоа билан мулоқот жараёнида муомала маданиятига амал қилувчилар ушбу қоидаларни билиши фойдадан холи эмас.

Тарғибот ишлари самараси камайган жойда турли хил англашилмовчилик ва низолар пайдо бўлиши аниқ.

Шу ўринда аҳли донишлардан бирининг «*бир кун сўз тўхтаса, эртасига замбарак, тўнлар ишга тушади*» – деган фикрини эшлаш кифоя. Ҳар қандай мафкура омма онгига тўғри сингдирилгандагина, у кудратли куч касб этади.

Ҳар йили мунтазам равишда Республика Маънавият тарғибот марказининг ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» Республика кўрик-танлови ҳам моҳият эътибори билан аҳамиятлидир. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сараланган маънавият тарғиботчилари иштирок этишади. Улар ўз чиқишларида нутқининг таъсирчан, мазмунли ва жозибадор чиқиши учун аудио ва видео воситалардан, турли кўргазма қуроллардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ бўлмоқда. Тарғиботчилар кўтарган мавзулар долзарблиги билан ажралиб туради. Бу борада гиёҳвандлик, диний экстремизм ва одам савдосига қарши мавзуларда ўз мулоҳазаларини етказиш усуллари тарғиботчиларда йилдан йилга шаклланиб бораётганлиги кишини қувонтиради. Кимки мавзуни чуқур ва атрофлича билиб ўрганган бўлса, унинг нутқи равон бўлиши табиий. Мавзуга дахлдор маълумотларни тўплаш, далил ва асосларни йиғиш ҳамда уларнинг таъсирчанлигига эътибор қилиш тарғиботчиларнинг диккат марказида бўлади.

Муомала маданияти, нотиклик санъати бу тилшунослик фани объекти эмас, у мантиқ, руҳиятшунослик, этика, эстетика, фалсафа, тафаккур, сиёсатшунослик, жамиятшунослик илми ҳамдир. Шундай экан, масала моҳиятини теран англаган ҳолда, тажрибали воизларни жамлаб муомала маданиятини, нотиклик санъатини ўргатишга қаратилган махсус ўқув муассасаларини ташкил этиш давр талабидир.

Рим нотиғи Марк Тулий Цицерон «*Қалб ҳарорати билан сугорилмаган эҳтироссиз нутқ ҳеч нарсага*

*ярамайди*», – деган эди. Тўғри, тингловчига айтилган хиссиз калом гўёки, тузсиз таом едиргандек гап.

Якка шахс ёки жамоа билан мулоқот ўзига хос муомала маданиятини талаб этса-да, сўзни ўринли қўллаш, унинг мазмун-моҳиятини билиш катта аҳамиятга эгадир. Муомала жараёнида амал қилиниши зарур бўлган сўзга муносабат тарзидаги адибларимизнинг асарлари билан танишиш фойдадан холи эмас. Тилда умумийлик, нутқда эса индивидуаллик бор. Тил ва нутқ муносабати масаласидаги боғлиқликни Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида образли тарзда ифодалган: *«Тил шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир. Агар нутқ номаъқул бўлиб чиқса, тилнинг офатидир»*.

Кайковус «Қобуснома»сида келтирилади: «агар сендан сўрасалар, сўз сеникими, ё сен сўзникими, жавоб айғил, сўз меники, мен сўзники». Бу ўринда тилдаги сўзлар халқники, агар сиз уни ўз нутқингизда қўлласангиз сизники бўлади. Чунки айтилган ҳар бир сўз отилган ўқдек етиб бораркан, энди сиз айтган сўзингизга масъулсиз.

Демак, сиз айтган сўзингиз туфайли якка шахс ёки жамоада қандайдир кайфият, ўзингизга нисбатан муносабат уйғотасиз. Бу борада эҳтиёткорона ҳаракат зарурлиги таъкидланаяпти. Шунинг учун ҳам айтилган сўз мис, айтилмагани олгин дейилади. Масъуллик айтган сўзингиз ва қилгаи ишингизга жавобгарлик демақдир. Мутафаккир шоир Абу Абдуллоҳ Рудакийнинг ушбу ҳикматига эътибор беринг:

*Кўпинча сўз айтиб, бўлдим пушаймон,  
Айтмаган сўзимдан – доимо шодмон.*

Етти ўлчаб бир кесишни биладиганлар, ўйнаб гапирса ҳам ўйлаб гапирадиганлар бу борада оксамасликлари аниқ. Маълум бир вазиятда, жаҳл отига миниб турган бир дамда ўйламай-нетмай айтган бир сўзи учун умр



бўйи хижолат чекиб юрганларнинг ҳам гувоҳи бўлган-сиз. Бировнинг гапига кириб муносабатларни бузиш, қариндошлик риштасини узиш, юз кўришмас бўлиб кетиш муомала маданиятига зид. Ўринсиз хатти-ҳаракат ёхуд бир оғиз айтилган ноўрин сўз сабаб дилхираликларга йўл кўйиш хунук иллат. Шарқона одоб-ахлоқ меъёрларини билмаслик, риоя қилмаслик, уни бунга баҳона қилишлар акли расо инсонларга ярашмаслиги аниқ. Муомала жараёнида зиддиятлар авжга чиққан пайтда сукут ва сабр энг тўғри йўл экани адабий манбаларда эътироф этилган. Ривоятлардан бирида келтирилишича, ғазабнок бир кимса *«мен ҳақимда фалон одам ундай дебди, бундай дебди, мен ҳозир ундан аламимни оламан, дўппослаб хуморимдан чиқаман, уни ҳақорат қилишига қандай ҳуқуқи бор, дея ёши улуғ, сўзи кутлуғ бир донишманддан сўрабди. Донишманд айтибди:*

– Яхшиси, уйингга бор, дамингни ол, сабр иймондандир, эртага гаплашасан.

– Нега, ахир, темирни қизиғида босган яхшимасми?!

– Сен темир эмас, одамсан, билмайсанми, кийимингга лой сачраган бўлса, у қуригандан кейин яхшироқ тозаланади.

Тилдан келадиган офатлар кўп ва турли-туман бўлиб, улар қалбни сархуш қилади. Мазкур офатлардан қутулишнинг энг осон йўли жим туриш орқали бўлади. Бу жуда катта фазилатдир. Жим туриш ҳимматни жамлайди ва фикрни софлайди.

Таниқли аллома Муҳаммад Зоҳид Қўтқу: *«Тилни тийиш – бу хоинлик, тухмат, ёлгон, гийбат, чақимчилик, истехзо, бировни масхаралаш, ёлгон қасам ичишдан тийилиш каби тил воситасида бажариладиган беҳуда ва ёмон амаллардан ўзини сақлашдир»*, – деб бежиз таъкидламаган.

Тил офатлари борасида сўз кетганда, зарур бўлмаган,

кераксиз, ортикча сўздан четда туриш муомала маданиятининг мақбул жихатлари сифатида тилга олинади.

Ҳаким зотларнинг биридан: «*Сени бунчалик ҳикматга нима етказди?*», – деб сўралганда, «*Билган нарсамни сўрамайман, кераксиз нарсани гапирмайман*», – деб жавоб берганлиги ҳам шунга асосдир

Бундан англашиладики, тил кишининг бошқа аъзоларининг бошчиси ва даъватчиси ҳамда уларнинг етакчиси (яхшилиқ ёки залолатга) эканлиги билинади. «*Мўминнинг танасида тилчалиқ аллоҳ севган нарча эт йўқ. Аллоҳ мўминни тили туфайли жаннатга олиб боради. Кофирнинг вужудида Аллоҳга тилчалиқ ёқимсиз нарча эт йўқдир. Аллоҳ таоло кофирни тили туфайли дўзахга ташлайди*». Худди шу ҳадис мазмунидаги битикка монанд Ҳазрат Навоий: «*Оғзига келганни демоқ нодоннинг иши, олдига кўйгани емоқ ҳайвоннинг иши*», – деб бежиз айтмаган. Гапи кўпайганнинг хатоси кўпаяди, дейилишида ҳам мантик йўқ эмас. Кайковус сўзнинг яхши ва ёмон томони борлигини айта туриб уни қўллашда юксак дид ва гўзал ахлоқ бўлишини таъкидлайди. Одатда, кўпчилик ана шу сўзларни чалкаш қўллаш орқали эътибордан эътирозга сабабчи бўладилар. Ёмон сўз жондан иймонга ўтиши ҳақидаги ушбу битикка эътибор қилайлик. Айтишларича, Баҳром бир дарахтнинг остида ўтирган эди. Ногоҳ шохлар орасидан бир қушнинг овози эшитилди. Баҳром ўқ билан бемаврид «сўзловчи» бу қушнинг ишини тамом қилди. Қушнинг тани миҳ мисол шохларга урилди ва жони эса ўқ-ёйнинг иссиқ сихи билан тилинди. У деди: «*Қуш ҳам, инсон ҳам ўз тилини сақласа омон бўларкан!*»

Шубҳасиз, муомала маданияти нозиктабъликни, сезгирлик ва зийракликни талаб этади. Нутқ одоби муомала маданиятининг туб моҳиятини ифода қилиш билан бирга кишининг кимлигини намоён этувчи ой-

надир. Шунинг учун ҳам сўзлик ўзлик учун кўзгудир. Нутк одобига илмий таъриф бериладиган бўлса, у етказилиши керак бўлган маълумотларни эшитувчига бўлган ҳурмат ва самимиятни сақлаган ҳолда, дилини оғритмасдан, яъни кўнглига тегмасдан адабий нормадаги ифодалар, иборалар билан ахлокий меъёрларга мос ҳолда етказишдир.

Шундай экан, ибратли инсонларга, маҳоратлик воизларга, етук нотикларга эргашиш ижобий ва ижодий маънода бўлиши ўринлидир. Ўқувчиларга берилаётган таълим тарбия қобиғида етказилмас экан, кейинчалик, олим бўлиш осон, одам бўлиш кийин деган ҳикматни такрорлашдан нарига ўтилмайди. Зеро, нутқ хулқ ойнасидир. Акс ҳолда, Маҳатма Гандининг ушбу сўзлари бежиз айтилмаганига иқрор бўламиз: *«Сўзларингизга ҳушёр бўлинг – тушунчангизга айланмасин, тушунчангизга ҳушёр бўлинг – хатти-ҳаракатингизга айланмасин, хатти-ҳаракатингизга ҳушёр бўлинг – ҳис-туйғуларингизга айланмасин, ҳис-туйғуларингизга ҳушёр бўлинг – баҳойингизга айланмасин, баҳойингизга ҳушёр бўлинг – феъл-атворингизга айланмасин, феъл-атворингизга ҳушёр бўлинг – тақдирингизга айланмасин».*

Тўғри ва ёлғон сўзга муносабат ҳам муомала маданиятида муҳим ўрин тутди. Бошингга қилич келса ҳам тўғри гапир, тўғри сўзнинг тўкмоғи бор, яхшидур аччиқ хақиқат, лек ширин ёлғон ёмон мазмунидаги ростгўйликка даъват этувчи битикларни биламиз. Шунингдек, ёлғоннинг умри қисқа, ёлғон ё фарзандга урар, ё давлатга каби алдоқчиликни инкор этувчи нақллар ҳам бор.

Баъзан тўғри сўзни айтиш ҳам ўринли бўлмайдиган ҳолатлар бўлади. Буни айтмаслик, андиша ва истиҳола қилиш каби шарқона одоб қоидаларини инкор қилиб

бўлмайди. Бу, албатта яхшиликка, эзгуликка хизмат қилади.

Шарқона муомала маданияти чин ёхуд ёлғон сўзни қандай айтиш билан эмас, балки, айтувчи ҳамда тингловчининг ёши ва жинси масалаларига ҳам эътиборни қаратади. Ота, она, ўғил, қизнинг ва бошқа наслий яқинликларнинг оилада ўз ўрни, ўз сўзи, ўз хизмати, ўз ҳурмати борлиги эътироф этилади. Шарқона одоб-ахлоқ қоидаси сўзловчининг фойдаси эканини билиши, қаерда қандай йўл тутишига, ҳаётда доимо ўз ўрнини топишига хизмат қилишини англаш фойдадан холи эмас.

Кўнғил кулфи ўзига хосу мос очқични талаб этаркан, уни танлаш топиш ва очиш эса калит ушлаган, мулоқотга киришаётган нотикнинг, тарғиботчининг диди, фаросати ва укувига боғлиқ. Сухбатдошининг қизиқиши билан қизиқмаган нотикнинг қизиғи йўқ. Бу оддий ҳақиқат, оддий муомала, холос. Дейл Карнеги *«Мен қаймоқ солинган қулупнайни яхши кўраман, балиқ эса чувалчангни»* – дейди ва савол қўяди: *«Балиқ овига бораяпман нима олиб боришим керак?»* Албатта, чувалчангни-да. Мулойим хулқингиз, ёқимли нутқингиз, самимий мулоқотингиз билан ром эта олмасангиз, сиз ўзингизга садоқатли сухбатдошни топа олмайсиз. Ҳар қандай воиз ўзи ёқимли, сўзи юқумли бўлмас экан, муомала жараёнида ютқизиб қўйиши тайин. Ҳар қандай стратегик мақсад тактика орқали амалга оширилишини билиш зарур. Тил калит бўлса, дил кулф, шундай экан, ҳар қандай кулфга ҳар қандай калит тушавермайди. Тилингиз дилингизга, дилингиз дидингизга мос бўлсагина марра сизники.

---

## ХУЛОСА

Муомала маданияти билим ва маърифатдан, ахлоқий тарбиядан, аждодларимиз меросини яхши билиш ва маънавий қадриятларимизга садоқатдан келиб чиқар экан, унинг жамият маданий-маърифий тараққиётининг, миллат маънавий камолотининг муҳим аломати эканига шубҳа йўқ. Шунинг учун ҳам, мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб, маънавий-маърифий масалаларга, таълим ва тарбиявий соҳаларга эътиборнинг қаратилганидан буни англаш қийин эмас. Бу соҳадаги ислохотларнинг барчаси, юртимизнинг эртаси, халкимизнинг истиқболи бўлган ёшларимизга, аниқроғи, ақлан ва жисмонан соғлом, баркамол авлодга бўлган меҳр ва муҳаббатдан келиб чиқади.

Республикамизнинг «Давлат тили ҳақида»ги, «Таълим тўғрисида»ги қонунларида, «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастури» ва бошқа жуда кўплаб ҳужжатларида юқорида қайд қилинган масалаларга алоҳида аҳамият берилган.

Мулоқот, муомала тушунчалари бугунги кунда ижтимоий сиёсий моҳият касб этишини ҳаммамиз яхши идрок қилишимиз зарур.

Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информация курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий тарғибот ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшлари-

мизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларни қайта кўриб чиқиб, такомиллаштиришни, *«жаҳолатга қарши маърифат билан баҳсга кириша оладиган»* мулоқот ва муомала қила оладиган ритор ва иқтидорли нотикларни тайёрлашни талаб этмоқда.

Бутун халқни бирлаштирадиган байрок бўлмиш мамлакатимиздаги маънавий тарғибот ишлари самарадорлигининг амалий жиҳатларини тадқиқ этиш ҳамда нотиклик санъати тарихини ва долзарб муаммоларини назарий ўрганишни Юртбошимиз куйидагича таърифлайди: – *«Эндиги энг долзарб вазифамиз – бу жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги-янги қирраларини мукамал очиб бериш, ўқувчиларимиз, талабаларимизга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб бериш ва уларни янги ҳаёт, замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол ва жўшқин иштирокчиларига айлантиришдан иборат».*

Жамият қурилишининг фаол иштирокчилари миллий гоямиз ҳимоячиси бўлишлари учун тил, сўз, нутқ масалаларига уларнинг эътибори янада юкори бўлиши доим таъкидланади. Тарғибот, ташвиқот, мулоқот, муомала тушунчалари ўзаро узвий боғланиб кетган. Уларнинг барчаси замирида сўз туради. Мавлоно Румий: *«Сўз – ҳақиқатнинг сояси ва парчасидир. Модомики, соя ўзига тортар экан, у ҳолда ҳақиқат янада яхшироқ жалб этади. Сўз – баҳонадир. Бир инсонни бошқа бир инсонга тортган нарса сўз эмас, балки иккаловида*

*мавжуд бўлган руҳий бирликдан бир парчадир», – дея эътироф этади.*

Бу руҳий бирлик, қалблар яқинлиги, мақсадлар муштараклиғи демакдир. Чунки, ахиллик, ўзаро бирлик, муайян мақсад сари огишмай собитқадамлик билан илдамлашгина Мустақил ватанимизни янада юксак қоялар ва улуғ ғоялар сари етаклайди.

Мулоқотлар мезони, муомала моҳияти бўлган хулқий ва нутқий маданиятимиз ҳамиша ғоя байроғи, мафкура маёғига боғланган ижтимоий бирлик бўлиб хизмат қилиши лозим.



## МУНДАРИЖА

Мукаддима.....	3
Қалбга йўл.....	5
Дил – қулф, тил – калит.....	17
Хулоса.....	28



**РАҲИМБОЙ ЖУМАНИЁЗОВ**  
**МУОМАЛА МАДАНИЯТИ**

*Тошкент «Маънавият» 2015*

Муҳаррир *У. Қўчқоров*  
Мусаввир *Ш. Соҳибов*  
Мусахҳиҳ *А. Абдураимов*  
Компьютерда тайёрловчи *И. Аҳмедов*

Лицензия АІ №189, 10.05.2011 й. да берилган. Босишга 20.05.2015 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 1,68. Нашр т. 1,98. 1000 нусха.  
Буюртма № 15-48. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти босмаҳонасида чоп этилди. 100047. Тошкент,  
Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома 11–15.

*Manavijai*

ISBN 978-9943-04-261-2



9 789943 042612